ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ

АБДУРАХМАНОВ БОРИС МАЛИКОВИЧ

КРЕМНИЙ ТИКЛАШНИНГ ЭЛЕКТР ЁЙЛИ ЖАРАЁНИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА УНИНГ АСОСИДА ЭЛЕКТРОН ҚУРИЛМАЛАР ЯРАТИШ

01.04.04 – Физик электроника

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

УДК: 669.046.5; 621.315

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical sciences

Абдурахманов Борис Маликович
Кремний тиклашнинг электр ёйли жараёнини модернизация қилиш ва унинг асосида электрон қурилмалар яратиш ……..……. 3

Абдурахманов Борис Маликович
Модернизация электродугового процесса восстановления кремния и создание электронных устройств на его основе..... 23

Abdurakhmanov Boris Malikovich
Modernization of the electric arc process of silicon reduction and creation of electronic devices based on it ……..……..…….. 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works ……..……..……..…….. 47

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ

АБДУРАХМАНОВ БОРИС МАЛИКОВИЧ

КРЕМНИЙ ТИКЛАШНИНГ ЭЛЕКТР ЁЙЛИ ЖАРАЁНИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА УНИНГ АСОСИДА ЭЛЕКТРОН ҚУРИЛМАЛАР ЯРАТИШ

01.04.04 – Физик электроника

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2.PhD/T1501 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ион-плазма ва лазер технологиялари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.iplt.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Курбанов Миртемир Шадиевич** техника фанлари доктори, катта илмий ходим
Расмий оппонентлар:	**Умирзаков Болтахужа Ерматович** Физика-математика фанлари доктори, профессор
	Ташатов Алланазар Каршиевич Физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Ўзбекистон Миллий университети қошидаги яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий - тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Ион-плазма ва лазер технологиялари институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 рақамли Илмий кенгашнинг **2021** йил «30» 04 соат 14⁰⁰даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел./факс: (+99871) 262-32-54, e-mail:info@iplt.uz, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти мажлислар зали).

Диссертация билан Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел: (+99871) 262-31-69.

Диссертация автореферати 2021 йил «19»04 куни тарқатилди.

(2021 йил «19» 04 даги 1 рақамли реестр баённомаси)

Х.Б.Ашуров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

И.Д. Ядгаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

Б.Е. Умирзаков
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Кремний (Si) электроника ва қуёш энергетикаси учун асосий материал ҳамда кимё саноати, қора ва рангли металлургия учун хомашё ҳисобланади. XXI аср бошларида трихлоросилан ($SiHCl_3$)дан кремний олиш учун қайта ишлаш технологиялари сифатида фойдаланиш натижасида қуёш энергетикаси маҳсулотларининг нархлари 10 баробардан зиёдга пасайтирилди ва кўп бўғинли кремний ишлаб чиқаришнинг бошқа жараёнларини такомиллаштириш вазифалари ҳам кун тартибидаги асосий масалага айланди. Айнан шунинг учун жаҳонда ушбу бўғин доирасида экологик жиҳатдан энг ноқулай ва энергия кўп талаб қилувчи техник кремний эритиш жараёнини модернизация қилишга қизиқиш кескин ошди.

Бугунги кунда жаҳонда ҳар йили 2,2 миллион тоннадан зиёд техник кремний ишлаб чиқарилади, аммо қуёш энергетикасини ривожлантириш режаларини ўз ичига олган юқоридаги тармоқларни ривожланиши учун нафақат ишлаб чиқаришни эришилган даражада ушлаб туриш, балки уни сезиларли даражада оширишни талаб этади. Ўзбекистон Республикасида техник кремний ва ферроқотишмалар соҳаси ва уларни эритиш технологияларини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Навоий шаҳрида техник кремний, Ангрен ва Бекобод шаҳарларида ферросилицийни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ва бу эса импорт қилинадиган материалларнинг ўрнини тўлдиришга имконият яратди.

Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларда ривожлантириш стратегиясига асосан "иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш ва иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш"[1] вазифалари белгилаб берилган. Шу нуқтаи назардан, мавжуд технологияни такомиллаштириш, шунингдек, унинг камчиликларини бартараф этиш ва шу билан бирга жараённинг бошқарувчанлигини ва маҳсулот сифатини ошириш, унинг энергия сарфи ва таннархини пасайтиришга қаратилган Si эритишнинг янги усул ва услубларини ишлаб чиқиш долзарб масаладир. Техник кремний эритиш жараёни рентабеллигини унинг ликвидлигини ошириш орқали, масалан, унга қайта металлургик ишлов бериш орқали мултикремний олиш ва ундан қуёш энергиясида фойдаланиш ниҳоятда долзарб масала бўлиб қолмоқда. Ушбу йўналиш соҳаларидан бири-термоэлектрик материал сифатида монокристаль бўлмаган Si дан фойдаланишдир. Шунинг учун, монокристаль бўлмаган Si нинг термоэлектрик хусусиятларини ўрганиш ва улар асосида иссиқлик энергияси ўзгартиргичларини яратиш билан боғлиқ вазифалар долзарбдир. Мамлакатимиз илмини ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга бўлган бу тадқиқотлар ва ишланмаларнинг йўналишлари ҳамда уларнинг амалий қўлланилиши 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида[1] акс эттирилган.

[1] 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 – сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг: III. «Энергетика, энергоресурс тежамкорлиги, транспорт, машина ва асбобсозлик, замонавий электроника, микроэлектроника, фотоника ва электрон асбобсозлиги ривожланиши» ва II. «Физика, астрономия, энергетика ва машинасозлик» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Техник кремний технологияси Россия, АҚШ, Италия ва Францияда бир ва уч фазали очиқ электр ёйли печларда қўллаш доирасида ишлаб чикилган. «Элкем» (Норвегия) и «Русал» (РФ) компаниялари ва Россиянинг Иркутск давлат техника университети ва Хитойнинг Канминг фан ва технологиялари университетларида ёпиқ печларда эритиш жараёнини такомиллаштириш ва шунга мос равишда ускуналарни модернизация қилиш бўйича ишлар олиб борилди. Vangskasen J. (Норвегия), W. Lin (Китай), Xakalashe B. (ЮАР), Ёлкин К.С., Толстогузов Н.В. (Россия) ва бошқалар томонидан SiO_2 ни тиклаш механизми ўрганилган ҳамда электр ёйли печларда ички бўш электродлардан фойдаланиш бўйича эритишнинг янги усуллари ишлаб чиқилган.

Ўзбекистонда кварц ва хар хил углеродли тикловчилардан иборат маҳаллий хомашё асосида биринчи марта 1998 йил Кр 2 и Кр1 маркали техник кремний Абдурахманов К.П., Костецкий М.О. ва бошқалар томонидан олинган, кейинчалик эса Ашуров М.Х. ва бошқалар томонидан техник кремнийнинг Кр1 ва Кр0 маркалари олинган бўлиб, бу эса Навоий ва Ангрен шаҳарларидаги заводларни қуришда асос сифатида хизмат қилган. 2011-2014 йилларда Курбанов М.Ш. ва бошқалар томонидан маҳаллий хомашё асосида Кр0 ва Кр00 маркали техник кремний олинган ва импорт қилинувчи қаттиқ углеродли тикловчиларни 80% гача маҳаллий табиий газга алмаштириш таклиф қилинган.

Hannesson P., Немчинова Н.В., Черняховский Л.В. ва бошқалар томонидан кремний икки оксиди ва углеродли тикловчиларни биргаликда бўлаклаш бўйича тадқиқотлар олиб борилди, бу эса брикетлардан фойдаланган ҳолда янги истиқболли эритиш технологиясини яратишга имкон берди ва SiO_2 ни углерод билан шихтада ўзаро реакциясини заррача ўлчамига боғлиқлигини ўрганишга туртки берди. Стребков Д.С., Непомняших А.И., Грибов Б.Г., Немчинова Н.В., Абдюханов И.М. ва бошқалар томонидан қуёш элементларини

тайёрлаш учун техник кремнийни тозалаш ва қайта эритиш орқали ишлаб чиқаришни соддалаштириш ва арзонлаштириш хамда Si тозалигини ошириш усули ишлаб чиқилди. А.А. Снарский, А.В. Дмитриев, И.П. Звягин, В.В. Каминский, Ж. Дебур, С. Стив, Ш. Фолькер, Е. Муллер, К. Забреки, Т.П. Хоган., Н.А. Матчанов, А.М. Касымахунова, Т.С. Камилов, Г. Абдурахмановлар томонидан турли материалларнинг, шу жумладан, силицидларнинг бир қатор асосий термоэлектрик хусусиятлари ўрганилган. Таъкидлаш лозимки, иссиқлик ўтказувчанлиги юкори бўлганлиги туфайли кремний термоэлектрик материал ҳисобланмаган, лекин охирга вақтларда дунёда ғовакли кремний ва кремний нанонайчаларига ўхшаган Si турларини термоэлектрик хусусиятлари ўрганила бошланди.

Ўзбекистонлик олимлар академик М.С. Саидов, Б.М. Абдурахманов, Л.О. Олимов, А.Ю. Лейдерман ва А.С. Саидов монокристалл бўлмаган кремний намуналарини қиздирганда субзонли фотонларнинг ютилиши натижасида заряд ташувчиларнинг чуқур энергия сатҳларида генерацияси содир бўлиши ҳисобига ҳосил бўладиган киришмали тепловольтаик эффектни топишди ва тадқиқ қилишди. Бу натижалар электрон кристал-фононли стекло (ЭК-ФС) тузилмасига мос келадиган, Si кукуни заррачаси ва унинг сиртидаги наноразмерли SiO_2 пленка, грануллanган кремнийнинг янги модификациясини яратишга олиб келди. Янги кремний модификацияси асосида Ашуров Х.Б., Адилов М.М., Ашуров М.Х. ва бошқалар томонидан бир қанча янги турдаги иссиқлик энергияси ўзгартиргичлари яратилди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг ФА-И4-Ф18 «Қуёш энергияси учун ноанъанавий тикловчилардан фойдаланиб юқори тозаликдаги техник кремний олиш технологияси» (2011-2012), Ф3-ФА-Ф158 «Кичик ўлчамли нотекис киритмали органик ва ноорганик грануллanган ярим ўтказгичлар асосидаги системаларда энергия ўзгартириш жараёнлари» (2012-2016), ОТ-Ф3-11 «Қуёш энергетикаси ва электроника материаллари қарашида турли ўлчамли кремний ва унинг оксиди структураларида ташиш ва релаксация жараёнлари» (2017-2020) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: техник кремний эритиш жараёнини модернизация қилиш ва унинг бошқарувчанлигини ошириш, ҳамда ушбу материални бевосита ёки уни бир марта металлургик қайта ишлаш орқали олинган мултикремнийни электрон техника ва қуёш энергетикаси маҳсулотларида қўллаш йўлларини топиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- шихта компонентларининг ионлашиши билан боғлиқ эритишни электр ёйи токининг миқдорини бошқариш орқали углеродли тикловчи компонентлариниг электр ёйи ёниш зонасига етказиб бериш трактида диссоциациясини таъминлаш;
- кремнийли компонентлар зарраларининг ўлчовини ҳисобга олган ҳолда брикетлаш ва шихтани паста ҳолатида печга етказиб бериш;

- техник кремнийни қайта эритиш орқали олинган мултикремнийдан тайёрланган қуёш элементларининг хусусиятларини ўрганиш ва майда киришмалар киритишнинг авзаллигини кўрсатиш ҳамда қуёш элкментлари учун таглик материал сифатида ишлатиш мумкинлигини асослаш.

- техник кремний ва мултикремний гранулалари асосида иссиқлик энергиясини ўзгартиргичларини янги турларини ишлаб чиқиш ва ўрганиш;

- накал лампалар ва иситгичлар учун сарфланадиган электродлар ва ҳимоя воситаларини яратиш учун техник кремний ва мултикремнийдан фойдаланиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида доимий ва ўзгарувчан токли печларда техник кремний эритишда шихтани электр ёйли разряд билан ионлашиш жараёни, хомашёларни брикетлаш ва паста ҳолатидаги шихтадан техник кремний эритиш усуллари ва техникавий услублари, монокристал, поликристал, техник ва мультикремнийни майдалаш орқали олинган грануллганган кремний ва ундан тайёрланган иссиқлик энергияси ўзгартиргичлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети электр ёйидаги токнинг ўзгариш қонуниятлари, техник кремнийнинг киришмали таркиби, мультикремнийнинг электрофизик хусусиятлари, мультикремнийдан тайёрланган қуёш элементи параметрлари, грануллганган кремнийнинг электрофизик хусусиятлари ва унга асосланган иссиқлик энергияси ўзгартиргичлари ҳамда кремний зарраларининг киришмали таркиби ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида замонавий масс-спектрометрия ва электрон микроскопли таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилган. Кремнийли материалларнинг солиштирма қаршилигини ўлчашда тўрт зондли усул, солиштирма термоэлектр юритувчи кучни аниқлашда дифференциал усул ва иссиқлик ўтказувчанликни аниқлашда солиштириш усуллардан фойдаланилган. 300-1300 К температура оралиғида шихтанинг қаршилиги ўлчаш махсус ишлаб чиқилган методика ёрдамида ўтказилган. Қуёш элементлари катталикларини ўлчашда махсус тайёрланган ва метрологик текшрувдан ўтган приборлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- печнинг ёниш қисмига етказиб бериш трактида дастлаб қисман атом даражасида углерод ва водородга диссоциация қилишни, сўнгра электр ёйида ионлашишни назарда тутувчи метандан иборат газсимон углеродли тикловчини реакция қобилиятини ошириш усули ишлаб чиқилган;

- техник кремний эритиш жараёнини электр ёйидаги ток қийматини ўлчаш натижалари бўйича бошқариш ва метанни намлаш орқали ўз-ўзидан ва мунтазам равишда ток кўтарилишини ўчириш усуллари таклиф қилинган;

- таркибий қисмларининг янчилиши назарда тутилган ва уларнинг зичлиги ҳисобга олинган шихтани брикетлашнинг янги усулларини тажрибавий ва саноат синовлари ижобий натижаларига асосан электр ёйли печнинг ёниш қисмига паста ҳолатида узатиб беришнинг принципиал янги технологияси ишлаб чиқилган;

- техник кремнийни тўғридан-тўғри металлургик қайта ишлаш натижасида субстрат материал сифатида олинадиган мултикремнийдан фойдаланган ҳолда

юқори фойдали иш коэффициентли ва радиацияга чидамли плёнкали қуёш элементларини ясаш имконияти кўрсатилган;

- тажрибаларни режалаштириш услубидан фойдаланган ҳолда, кейинчалик қуёш элементининг таянчи сифатида фойдаланиладиган, плёнкали қуёш элементлари самарадорлигининг математик регрессия моделлари ва мультикремнийдан тайёрланган субстратлар юзасида плёнкаларнинг ўсиш тезлиги тузилган;

- ташқи босим, ҳарорат ва нурланишнинг юқори даражаларида ишлашга мўлжалланган, шу жумладан ишчи қисмини жамланган қуёш нурлари билан иситадиган, иссиқлик энергияси ўзгартиргичларининг янги турлари ишлаб чиқилган;

- фотоэлектрик водород ишлаб чиқариш тизимларида сарфланадиган электродлар учун техник кремний ва мултикремнийдан материал сифатида фойдаланиш имконияти кўрсатилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари доимий ва ўзгарувчан токли печларда техник кремнийни эритиш учун техник қурилмалар ва янги усуллар яратилганлиги, шу жумладан шихтани паста ҳолатида ишлатиш ва техник кремнийни мультикремнийга металлургик қайта ишлашдан иборат. Қуёш элементлари ва иссиқлик энергияси ўзгартиргичларини тайёрлаш ва уларнинг катталикларини ўрганиш, ҳамда ушбу материаллар асосида бошқа электрон техника маҳсулотлари ишлаб чиқилган ва ўлчаш усуллари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот учун замонавий стандартланган, синовдан ўтган ва метрологик сертификатланган ўлчов асбоблари ва жиҳозлардан фойдаланилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, газсимон углеродли тикловчини намлаш орқали электр ёйининг ёниш зонасидаги ионларнинг таркибини ўзгартириб, унинг ўз-ўзидан пайдо бўладиган пулсациясини ўчириш орқали жараённи назорат қилишга асосланган техник кремний эритишнинг янги технологияларини асослашдан иборат. Шихтани брикетлашда ва шихтадан паста ҳолатида фойдаланишда масса зичлигини ҳисобга олиш айниқса муҳимдир. Техник кремний ликвидлигини ошириш бўйича натижаларнинг илмий аҳамияти уларнинг тажрибалар натижаларига асосланганлиги бўлиб, ундан олинган мултикремний асосида юқори рентабелликка эга қуёш элементини яратиш ва иссиқлик энергияси ўзгартиргичини самарадорлигини оширишдан иборатдир.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган илмий ва техник ечимлар техник кремний ишлаб чиқаришда ва унинг рентабеллигини оширишда ва атроф-муҳитни ифлосланишини камайтиришда, ҳамда самарали, ноқулай иш шароитида ишлайдиган, лекин арзон хомашёлардан тайёрланадиган қуёш ва иссиқлик энергияси ўзгартиргичлари ва бошқа электрон қурилмаларни яратиш учун қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Кремний тиклашнинг электр ёйли жараёнини модернизация қилиш ва унинг асосида электрон қурилмалар яратиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар доирасида олинган илмий натижалар асосида:

техник кремний олиш усули ва уни амалга ошириш қурилмаси учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти (IAP05986, 22.04.2015 й) олинган. Натижада печга шихтани паста кўринишида янги механизм орқали бериш ва электр ёйли печларнинг конструкциясини модернизация қилиш орқали электр ёйининг ток қиймати бўйича эритиш жараёнини назорат қилиш ва бошқариш имконини берган;

техник кремний ёки ферросилиций эритиш учун брикетланган шихтанинг кремнезем қисмида микрокремнеземнинг оптимал миқдорини аниқлаш усули учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти (IAP 05998, 21.07.2017 й.) олинган. Натижада техник кремнийни эритиш жараёнида шихта компоненталари заррачалари ўлчамининг тахминан бир хиллигини танлаш ҳисобига электр энергиясини тежашга, ферросилицийни эритиш жараёнида эса шихтага қўшиладиган микрокремнизёмни 40% гача ошириш имконини берган;

термоэлектрик материал ва уни тайёрлаш усули учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти (IAP 056615, 04,05.2018 й.) олинган. Натижада кремний заррачаси ва уни қоплаб турган SiO_2 пленкада чуқур энергетик сатҳларни ҳосил қилиш орқали заряд ташувчиларни тунеллашиб ўтиши ҳисобига электр ўтказувчанликни ошириш имконини берган;

сувни электролизлаш учун фотоэлектрик қурилмасига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти (IAP № 00876, 11.04.2012 й.) олинган. Натижада водород олишда нафақат сувни электролиз қилиш йўли билан, балки электролитлар ва катод моддалари орасидаги кукунлар аралашмасидан, техник кремний, мультикремний ва кремний ишлаб чиқариш чиқиндиларидан кимёвий реакция натижасида ишлаб чиқариладиган, шунингдек концентирланган қуёш нурланишининг фотоактив қисмидан фойдаланиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг натижалари 4 та халқаро ва республика анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 8 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациясининг асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия қилинган журналларда чоп этилган ва ихтиро учун 4 та патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати, 24 та расм ва 9 та жадвалдан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация иши мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти, предмети ва усуллари аниқланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг ишончлилигига асосланган, унинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларнинг қўлланилиши ҳақида маълумотлар диссертация ишининг апробацияси, ҳамда ҳажми ва тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг **«Техник кремнийни електр ёйи билан еритиш ва шу асосда мултикремний ишлаб чиқариш»** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича батафсил адабиётлар шарҳи қилинган.

Техник кремнийнинг електр ёйи технологиясини такомиллаштириш, уни металлургик усулда мултикремнийга айлантириш ва қуёш елементлари ва бошқа електрон қурилмаларни ишлаб чиқаришда мултикремнийдан фойдаланиш технологиясини такомиллаштириш бўйича обзор ва оригинал илмий мақолалар ва патент маълумотларини таҳлил қилиш натижалари келтирилган. Техник кремний технологиясини модернизация қилиш ва ушбу материалнинг ликвидлигини ошириш учун янги усулларни ишлаб чиқиш керак деган хулосага келинди.

- углеродли воостанавител таркибий қисмларининг електр ёйи ёниш зонасига етказиб бериш йўлидаги диссоциациясини таъминлаш ва иккала електрон ва зарядловчи қисмларнинг ионлаштирилиши туфайли електр ёйидаги оқим қийматига мувофиқ техник кремнийни еритиш жараёнини бошқариш; - зарядни кремний ўз ичига олган компонентнинг заррача ҳажмини ҳисобга олган ҳолда брикетлаш ва уни паста ҳолатида електр ёй печига бериш:

- техник кремнийни қайта еритиб, уни кичик аралашмалар билан допинг қилишнинг мақсадга мувофиқлигини асос қилиб олган ва уни фақат қуёшли қуёш нурланишининг ўзгартиргичи учун материал сифатида ишлатган ҳолда олинадиган мултикремнидан олинадиган қуёш елементларининг хусусиятларини ўрганиш;

- техник кремний ва мултикремний гранулалари асосида иссиқлик енергиясини ўзгартиргичларини янги турларини ишлаб чиқиш ва ўрганиш;

- сарфланадиган електродлар, накал лампалар ва иситгичлар учун ҳимоя воситаларини яратиш учун техник кремний ва мультикремнийдан фойдаланиш.

Диссертациянинг **«Техник кремнийни еритиш ва металлургик қайта ишлашнинг експериментал технологик базаси ва унинг асосида приборлар ишлаб чиқариш. Тадқиқот учун объектлар, усуллар ва қурилмалар»** деб номланган иккинчи бобида қуйидагилар келтирилган:

техник кремнийни эритиш учун ўзгарувчан ва доимий токда ишлайдиган печларни описанияси ва ишлаш принципи тасвирланган. Техник кремний ва епитаксиал тузилмаларни ишлаб чиқариш натижасида чиқадиган чиқиндилар билан кремнийни ва унинг аралашмаларини 10^{-2} Торр вакуумда қайта еритиб, мултикремний ишлаб чиқариш учун мўлжалланган қурилма қисқача тавсифланган.

Мултисиликонга асосланган ҳар хил турдаги қуёш елементларини ишлаб чиқариш технологияси тавсифланган бўлиб, у нафақат мултикремнийнинг електрофизик параметрлари ва уларнинг енергия самарадорлиги билан боғлиқлигини ўрганиш учун, водород генераторларида, шунингдек грануллланган кремний ва иссиқлик энергияси ўзгартиргичларини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хом ашёнинг електрофизик хусусиятларини ўлчаш усуллари ва мосламаларида қўлланилган, бу методикалар изланувчининг иштрокида ишлаб чиқилган.


Диссертациянинг **«Техник кремнийни еритиш технологиясини модернизация қилиш»** деб номланган учинчи бобида техник кремнийни електр ёйида оқаётган оқимга қараб еритиш жараёнини кузатиш усулини ишлаб чиқишнинг физик асослари, шунингдек брикетлаш технологиясини оптималлаштириш бўйича, техник кремнийни паста ҳолатида еритишнинг янги усули тасвирланган.

Углеродли қайтарувчини бир вақтнинг ўзида қаттиқ ва газ ҳолатида ишлатганинг имконияти мақсадга мувофиқлиги ва самараси тажрибада исботланди.

Катализаторни газсимон шаклида узатиш усули ишлаб чиқилган бўлиб, унинг юзаси електр ёйининг ўзидан чиқаётган нурланишидан иситилади. Бу углерод ва водород атомларини кейинчалик ионлаш учун шароитларни яхшилайди, бу еса реактивликнинг асосий характеристикасини кескин оширади.

Метаннинг електр ёниш зонасига тўғридан-тўғри етказиб берилиши SiO_2 қайтарилиш реакцияларининг боришини айнан шу соҳада консентрациялашга имкон беради ва шунинг учун еритиш жараёнини електр ёйида оқаётган оқим катталиги билан бошқаришни ва унинг тўлқинларини тезда тўхтатишни, шунингдек моддаларнинг реактивлигини тартибга солиш орқали газ фистулаларини разряд оралиғида, метанни намлаш ва уни таъминотини ўзгартириш имконини беради. Брикетлаш учун янги усул (Патент РУз № IAP 05998) таклиф етилди, унинг таркибий қисмларини бир хил заррача ҳажмида олдиндан майдалашни ва ишлаб чиқаришда бундай имконият бўлмаган тақдирда ва микросиликондан фойдаланиш зарурлигини ҳисобга олсак, уни брикетларга қўшилишини брикетга кетадиган асосий компонентнинг масса зичлигига тескари пропорционал ҳисоблашни таклиф қиламиз. Аралашмани паста ҳолатида фойдаланиш таклиф қилинган ва уни електр ёйли печга беришнинг янги усули ишлаб чиқилган.

1-расмда газли метан ва аралашмани қарама-қарши йўналишда тўғридан-тўғри електр ёйи ёниш жойига қарама-қарши йўналишда етказиб бериш ва бир вақтнинг ўзида кремний ўз ичига олган компонент ва УВ ни анъанавий қисмдан бир қисмли фракциёнда ва брикет шаклида тортиш учун ишлатилиши мумкин бўлган ушбу янги технологиянинг експериментал синовдан ўтган версияси келтирилган.



1-расм. РУз № IAP 05986 сонли патентига биноан ЭП схемаси, шихтани паста ҳолатида узатиш 5 ва углеродли қайтарувчини CH_4 шаклида ичи бўш графит електрод 3 орқали (стрелка билан кўрсатилган), шыхта 11 ва востанавитель 12 бир марталик фракцияда брикет шаклида у 13 қарақмақарши томондан берилади.

1-жадвалда тажрибада олинган техник кремнийнинг кришмали таркиби кўрсатилган, углеродли востанавительни етказиб бериш кусўк кўринишида (~30%) ва паста ҳолатида (~65%) ни ташкил этади.

1-жадвал

Янги технология асосида олинган техник кремнийнинг таркиби

Si	Al	Fe	Ca	Остальное	В том числе	Mg	Ba	P	V	B
98,97	0,34	0,33	0,32	0,03		0,0085	0,0055	0,007	0,0050	следы

Диссертациянинг **«ТЕХНИК КРЕМНИЙ ВА БИР МАРТА МЕТАЛЛУРГИК ҚАЙТА ИШЛАБ ОЛИНГАН МУЛЬТИКРЕМНИЙ ЭЛЕКТРОН АСБОБЛАР ЯРАТИШ УЧУН МАТЕРИАЛ СИФАТИДА»** деб номланган тўртинчи бобида

ТК ни бир марта тўғридан-тўғри қайта ишлаб тайёрланган мультикремнийни қуёш элементлари технологиясида, фақат автолегирлашни бостириш билан газ фазада ўстирилган плёнкали ўзгартиргичлар учун таглик материали сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги кўрсатилган. Бундай қуёш элементларининг АМ 1,5 ва P=850 Вт/м^2 да ФИК ~12-14 %, бу юқори радиацияга чидамли, электрон сифатидаги Si дан қилинган тагликлардаги плёнкали ўзгартиргичларнинг кўрсаткичларига мос келади.

Бу ҳолатда, кейинчалик қуёш элементларининг n-ёки p-тип базаси сифатида ишлатиладиган, афтолегирлашни бостириш билан ўстирилган қатлам, мультикремний таглигидан фақат донлар чегерасини ва уларнинг ориентациясини яъни унинг жинсини ёки эгизак тузилишини мерос қилиб олади, плёнканинг электрофизик тавсифлари эса фақат газ фазада махсус

легирлаб аниқданади. Шунингдек бу бобда, концентрланган қуёш нурланишига дучор бўлган қуёш элементлари ФИК нинг ўта чизиқли ўсиши эффектининг намоён бўлиши тўғрисида, водород пассивациясидан фойдаланиш эффективлиги ва ўрнатилган торувчи электр майдонлари тўғрисида ҳам маълумотлар берилган. Водороднинг пассивацияси натижасида мультикремнийли барча турдаги қуёш элементларининг ФИК ни ошиши кўрсатилган.

Дон чегараларида рекомбинация марказларининг водород пассивацияси туфайли бу юзага келади. Шуни таъкидлаш керакки, водород пассивацияси эффективлигининг кўрсаткичи водород ионлари билан ишланган қуёш элементларининг спектрал тавсифида йўқолиши ҳисобланади, қуёш элементларининг водород билан ишланмаган ~1,0 -1,1 мкм тўлқин узунлиги соҳасида, яъни Si ҚЭ даги спектрал сезгирлик чегарасида жойлашган фототок қутбининг ўзгарган соҳаси ва данолар чегараси билан таъминланган, энергетик сатҳларни ўз ичига олган заряд ташувчилар генерацияси билан боғланган. Водород пассивацияси поликремний қуёш элементларининг эффективлиги монокристалл қуёш элементларининг эффективлигидан юқори бўлиши мумкин бўлган чегераларда, рекомбинация марказларини қайта қуриш натижасида ўртача интенсивликдаги (5-10 марта) консентрланган қуёш радиациясининг таъсиридан келиб чиқадиган, қисқа туташув токининг ўта чизиқли ўсиш соҳасини йўқ бўлишига олиб келади.

Қуёш элементларининг асосий соҳасини бажаришда мултикремнийни қўллаш, биринчидан, техник кремний ва мультикремнийни чуқурроқ тозалашни талаб қилади, бу жуда заҳматли ва иқтисодий жиҳатдан фойдасиз, иккинчидан эса, бундай элементларнинг ФИК барибир электрон сифатли кремний асосга эга ўзгартиргичларникидан камлиги кўрсатилди. Мультикремнийли тагликда плёнка асосли қуёш элементларининг ФИК ни прогнозли ҳисоблаш уларни серияли ишлаб чиқариш шароитида регрессия модели (1) ёрдамида амалга ошириш таклиф этилган.


$$К/\ К_0 = 0{,}79 + 0{,}00026\,(X_3)^2 - 0{,}03\,X_1X_2X_3 - 0{,}0003\,(X_1)^3 \qquad (1)$$

Модел (1) мустақил ўзгарувчиларни варияциясида ФИК нинг ўзгаришини тавсифлайди: X_1 -мультикремнийга асосланган плёнканинг солиштирма қаршилиги, яъни қиймати 1 дан 10 ом см гача ўзгариши керак бўлган қуёш элементининг базаси; X_2 – тагликнинг солиштирма қаршилиги, яъни 0,001 дан 0,01 ом.см гача ўзгариши мумкин бўлган хусусий мультикремний; X_3 -плёнка асосининг қалинлиги 20-50 мкм атрофида. Чиқиш параметри сифатида $К/К_0$ нисбати қабул қилинган, бу ерда К – акслантириш қопламаси қилинишидан олдин ва W_0= 0,1 Вт /см^2 ли вольфрам лампа билан ёритилганда, 300 К да, яъни ишлаб чиқаришда қуёш элементларнинг ишчи қисмларини текширишнинг стандарт синов шароитида мультикремний тагликли плёнка тузилишлари асосида тайёрланган ҚЭ нинг ФИК, $К_0$ –белгиланган ўлчов шароитида минимал рухсат этилган қиймат.

2-расмда қуёш элементларининг радиацияга чидамлилиги тасвирланган. Кўриниб турибдики, электрон тозаликдаги кичик донали поликремнийдан (1-

эгри чизиқ) ясалган СЭ лар рентген нурланишига (2а-расм) ҳам, тезкор электронлар билан нурланишига (2б-расм) ҳам энг юқори чидамлиликка эга, бироқ уларнинг ФИК минимал ва ~5-8% ни ташкил қилади. Электрон тозаликдаги намонокристалл тагликларда хлоросилан жараёнида тайёрланган КОЭС (7-эгри чизиқ) асосида ҚЭ ларининг юқори ва радиацияга чидамлилиги, бу эса мультикремний асосли қуёш элементларида, иккиламчи қуйма полисиликон бўладими (3- эгри чизиқ) ёки Чехралский бўйича Кр00 маркали техник кремний қўшилган металлургия чиқиндиларини қайта эритиш натижасида олинган кремнийдан (4-эгри чизиқ), аксинча, энг паст. Кўп миқдордаги аралашмалар (Sb, P, As) билан аралаштирилган, ҳар бирининг эрувчанлик чегарасига қадар, хлоросилан жараёнида катта блокли ($d_{дон}$= 500 – 1000 мм) тагликларга ётқизилган, d=50-60 мкм плёнкали п-п$^{+}$ типидаги СЭ ларнинг чидамлилиги, ҚЭ технологиясида кенг қўлланиладиган КСД-1 маркали кремнийидан (5- эгри чизиқ) ташкил топган ҚЭ га нисбатан юқори (2- эгри чизиқ) чиқади, лекин фақат р-п ўтиш борни имплантацияси натижасида ҳосил бўлган ва ушбу ҚЭ ларнинг чидамлилигидан кам ёки таққосласа бўладиган бўлса, агар р-п ўтиш борнинг термал диффузияси билан ҳосил қилинган бўлса (6- эгри чизиқ).

а б




2-расм. АМ 1,5 (Р= 850 Вт/м^2, Т=300К) ўлчанган, турли хил технологик келиб чиқадиган кремнийдан тайёрланган ҚЭ нинг қисқа туташув токининг қийматига J=300 рентген/сек зичликли, Е=1,3 Мэв эга бўлган рентген нурланишининг таъсири (а) ва J=10^{11}см$^{-2}$сек$^{-1}$ зичликли, Е=1-3,5 Мэв эга бўлган тез электронлар билан нурланишнинг таъсири (б): 1–электрон тозаликдаги кичик донли ПК қилинган базали; 2–мультикремнийдан кучли легирланган тагликка ётқизилган плёнка асосидаги база, р-п ўтиш эса ион имплантация билан бажарилган; 3–ВЛПК технологияси бўйича олинган мультикремний асосидаги база; 4–шихтада Кр 00 ТК қўшимчалари бўлган, Чохральский усули бўйича чўзилган мультикремний асосидаги база; 5–КСД 1 маркали Si асосидаги база; 6 – 2 чига ўхшаган базали, лекин диффизион р-п ўтишли. 7- плёнкали ҚЭ электрон тозаликдаги таглик асосида.

Этарли даражада юқори самарадорликни олиш имкониятидан келиб чиқиб, мультикремнийдан тагликларга ётқизилган, плёнка асосли қуёш элементлари учун ярим маҳсулот тузилмаларини олиш, бизнинг фикримизча, бошиданоқ электрон тозаликдаги хом кремнийни олиш жараёнида ўзларининг иқтисодий самарадорлигини кўрсатадиган қайта ишланган хлорсилан технологияларидан фойдаланишга эътибор қаратиш зарур, биз томондан ишлаб чиқилган эпитаксиал ишлаб чиқаришда буғ-газ аралашмаларинидан иккинчи марта фойдаланиш усуллари, бу хом Si (1 кг учун ~9 АҚШ долларгача) ва шунга ўхшашларнинг нархларини бир неча марта пасайишига олиб келди.

ЭҲМ дан қуёш элементларининг плёнкали базасини ўстириш жараёнини бошқариш учун сиз табиий ўзгарувчилар шаклида бўлган, тажрибани режалаштириш усули орқали биз томонидан қурилган, амалда синовдан ўтган, ўсиш тезлигининг (2) математик моделидан фойдаланишингиз мумкин:

$$\mathbf{V= 0,\ 5550582 + 0{,}4924768\ 10^{-3}X_1\ (X_2)^2 + 0{,}8611089\ 10^{-7}\ X_2\ (X_3)^2} \qquad \mathbf{(2)}$$

бу ерда X_1–60-120 л/мин диапазонидаги буғ-газ аралашмасининг (БГА) (H_2 + $SiCl_4$) сарфи, БГА нинг чизиқли тезлигини ёпиш диапазони 26,5–54 см/сек диапазонида, X_2–1,37-2,28 об.% диапазондаги, водороддаги, $SiCl_4$ концентрацияси, X_3 – 1500- 1600 К диапазондаги тагликнинг ҳарорати. Таклиф этилаётган модел (2) Эфроимсон алгоритмини амалга оширади ва 0,9 дан 1,4 мкм/мин оралиғида қатламларнинг ўсиш тезлигини тахмин қилишга имкон беради, умумий зичлиги 10-10^2 $см^2$ дан юқори бўлмаган, ўсиш нуқсонларининг устунлиги номограммаси бўйича, бу базада заряд ташувчиларнинг ҳаракатчанлиги ва яшаш даврининг юқори қийматларини кафолатлайди, бу дегани плёнкали қуёш элементларининг юқори ФИК такрорланади.




3-расм. № IAP № 00 876 патентидаги ишлаб чиқилган водород генераторининг ишчи электрокимёвий катагининг кесими.
1 – корпус; 2, 4 – шаффоф девор; 3 – ҚБ; 5 – пардевор; 6 – водород электроди, бу ТК 13 билан тўлдирилган, металл сетка кўринишидаги, нурланиш учун шаффоф бўлган касета 12 да жойлашган; 7 – кислород электроди; 8 – электролит; 11 – синдириш кўрсаткичи электролит 8 га нисбатан катта бўлган иссиқлик ўтказувчи, диэлектрик суюқлик; 10, 14 – электролит ва водородни ўтказувчи тешик; 9, 15, 16 – қисқа труба.

Консентрланган қуёш нурланиши билан ёритилган Si катоди ва кремнийнинг электролит билан кимёвий реакцияси туфайли ажраладиган, сувнинг электролизи сиртдаги фотолиз билан бирлаштириладиган, фотоэлектрик водород генераторларида (ФВГ) сарфланадиган электродлар

(катод) яратиш учун техник кремний ва мультикремнийдан фойдаланиш имконияти кўрсатилган. 3-расмда ишлаб чиқилган водород генераторининг ишчи электрокимёвий катагининг кесими кўрсатилган.

Радиация интенсивлиги ~75 марта ва қуёш батареяси тўғридан-тўғри карилманинг ичида жойлашган бўлса, 2 ва 4-ойналардан ўтаётганда нурланишнинг барча енгил йўқотишларини ҳисобга олган, шунингдек електролитлар 8 ва инерт суюқлик 11 қалинлиги, Қуёш элементларининг ўлчами 5,5х5,5 мм^2 енг ёмон ҳолатда кучланишнинг кўрсаткичи U=2,5 В ва токники I=55 мА. Ушбу турдаги конверторлар учун ҳозирда $I_{кз}$ ~75 мА. ячейкадаги ёруғлик йўқотишларини минималлаштириш турли хил оптик зичликдаги муҳитлардан ўтаётганда нурланишнинг ёркинлигини ошириш орқали амалга ошириилди, шунингдек суюқликга 11 бўёқ қўшш, унинг рангини максимал спектрал сезгирликка яқин тўлқин узунлигига ўзгартиради (L=0,85 мкм). Си. Ишлайдиган батареядда параллел равишда 100 та элемент уланган.

Грануланган кремнийни қўллаган ҳолда иссиқлик энергиясини ўзгартиргичи(ИЭЎ)нинг янги турлари ишлаб чиқилган (4.6-расм), шу жумладан концентрацияланган қуёш нурланишининг нофаол қисми ва конструкцияда қўлланилган юқори температура, босим ва нурланиш даражаси шароитида ишлай оладиган модулларда температура ва босимнинг $I_{кз}$ га ва иссиқлик энергиясини ўзгартиргичи қувватига боғлиқлиги аниқланди.




4-расм. Иссиқлик изоляцияси қилинган девор билан бўлинган иккита жисм чегарасида $T_2>T_1$ ва $P_2>P_1$ ишлайдиган грануланган кремний асосида ишлайдиган янги турдаги ИЭЎ. 1-ГК дан қилинган ишчи жисм, 2-корпус, 3-ҳаракатланмайдиган электрод, 4-ҳаракатланувчи электрод 5- сильфон билан боғланган, юқори босим P_2 остида ва 1 ишчи жисмга сиқиш кучланишини узатувчи муҳитга жойлаштирилган. Ўқлар билан иссиқликнинг ИЭЎ га нотекис бориши кўрсатилган.

4-расмдаги ИЭЎ икки муҳит чегарасида $T_2>T_1$ ва $P_2>P_1$ бўлган турли температураларда ва босимларда ишлайди.

5-расмда келтирилган янги турдаги модул ИЭЎ нинг ишчи жисмини диаметри 500 мм бўлган параболик концентратор орқали ҳосил қилинган концентирланган нурланиш ёрдамида қиздириш шартида ишлайди. Бу қабул қилувчи юза 6 ни 500К дан кам бўлмаган температурагача ва “иссиқ” ҳаракатланувчи электрод 3 ни ~475 К гача қиздиришни таъминлайди. Кремний кукуни заррачасининг ўлчами 10-30 мкм бўлган ГК дан тайёрланган ИЭЎнинг ишчи жисмига қўзғалувчи, иссиқ электрод учидан босим ва температура берилади.


Ушбу ишчи жисм ГКдан тайёрланган ўлчами Ø6 мм ва узунлиги 12 мм бўлган ИЭЎнинг ток зичлиги $J_{кз}$ 20мА/см^2, кучланиш эса $U_{хх}$~80 мВ бўлади.

Шуни таъкидлаш муҳим аҳамиятга эгаки, ГКдан тайёрланган ўзгартиргич ишчи жисми параметрларининг нурланишга чидамлилиги тажрибалар ўтказилиб дозаси 10^9 рад. гача бўлган Co^{60} гамма квантлари орқали нурлантирилиб экспериментал тасдиқланган.



5-расм. Концентрланган қуёш нурлари(ККН) билан иситиладиган қуёш модулининг янги тури.
1-ГКдан тайёрланган ишчи жисм, 2-ИЭЎнинг керамик корпуси, 3-қўзғалувчи "иссиқ" электрод думи билан, 4,9-қўзғалмас "совуқ" электрод, 5-диэлектрик корпус, 6-қабул қилувчи юза, ККН билан қиздирилади(стрелка билан кўрсатилган), 7-мис пластинка, 8- H_2O буғлари билан сильфон, 10-иссиқлик трубаси.

Шунингдек, 6-расмда келтирилган, янги қуёш модулининг макети ҳам яратилган.Модул кесик конусли концентратор 1 дан келадиган кноцентрланган қуёш нурланишида ишлайди, ўзгартиргич корпусининг ташқи сиртига ўрнатилган тор ўлчамдаги ~1мм сирти қорайтирилган металл ҳалқа орқали қабул қилувчи 7 га йўналтирилади. Ҳисоблашлар шуни кўрсатадики, қабул қилувчи 7 нинг ва концентратор 1 нинг диаметрлари ~1/100 муносабатда бўлганда, ГКдан тайёрланган ишчи жисм n ва p соҳа чегарасида 5,6 соҳаларда қабул қилувчи 7 ни Қуёш атмосферасидан ташқарида ККН ёритганда, концентратор 1 ни етарли даражада аниқ бажарилмасада



